

“Тасдиқлайман”
Давлат статистика қўмитаси раиси


Б.Бегалов
2017 йил “ 3 ” июль

**Давлат статистика қўмитаси тизимида ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари, нормалари ва талабларини тушунтириш ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
1.	Барча даражадаги давлат статистика органлари ходимлари томонидан ички локал меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) талабларига қатъий риоя этишларини таъминлашга қаратилган тизимли тадбирларни ташкил этиш.	2017-2018 йй.	Б.Мирусманов, А.Икрамов, З.Талипова, қўйи тизим органлари раҳбарлари
2.	Қўмита марказий аппарати ва қўйи тизим органларига янги ишга қабул қилинган ёки тайинланган ҳар бир ходимга ички локал меъёрий ҳужжатлар, жумладан Одоб-ахлоқ ва қийиниш одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириб бориш ва улар бўйича тушунтиришлар бериш.	доимий	З.Талипова, Б.Ғайибназаров, ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари
3.	Одоб-ахлоқ қоидалари, нормалари ва талабларини тушунтириш бўйича кўргазмали тарқатма материаллар (стол устига қўйиладиган планер, буклетлар) тайёрлаш ва тизим ходимларига етказиш	2017 йил сентябрь-октябрь	Б.Мирусманов, Ш.Джанимов, У.Кулмурадов, қўйи тизим органлари раҳбарлари
4.	Тизимнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ўзига бўйсунувчиларга, ҳисобот топширувчи субъектларнинг, мурожаат этувчи юридик шахсларнинг вакиллари ва жисмоний шахсларга нисбатан қўполлик қилмаслик, шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик, ўзаро муносабатларда,	2017-2018 йй. май, ноябрь	Б.Мирусманов, А.Икрамов, З.Талипова, Қўмита

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	(ёзишмаларда, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларда) хушмуомала, одобли, ахлоқий жиҳатдан намунали бўлиш, уларга асоссиз психологик таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслик, ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланиши юзасидан барча ходимлар иштирокида давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.		бошқармалари бошлиқлари, қуйи тизим органлари раҳбарлари
5.	Тизим ходимлари томонидан хизмат ва лавозим вазифаларини бажариш чоғида, хизмат сафарлари даврида ўзларининг ташқи кўринишлари фуқароларнинг, юридик шахслар ва бошқа ваколатли органлар вакиллариининг давлат статистика органларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши, тизим органларида белгиланган иш кунларида кийинишлари ва уларнинг ташқи кўринишига қўйиладиган умумий талабларга мувофиқ бўлиши юзасидан суҳбатлар ўтказиш ва бу борада назорат олиб бориш.	суҳбат ўтказиш – алоҳида режа асосида, назорат – доимий	З.Талипова, Қўмита бошқармалари бошлиқлари, Б.Ғайибназаров, ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари
6.	Тизим ходимларининг соҳада фаолият юритаётган бошқа миллат вакиллариининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишларини, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда муносабатда бўлишларини, тизим ходимлари ўртасида ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни ҳамда соғлом муҳит шароитини таъминлаш юзасидан давра суҳбатлари ташкил этиш.	2017-2018 йй. март, сентябрь	Б.Мирусманов, З.Талипова, Э.Мирзоалиев, қуйи тизим органлари раҳбарлари
7.	Тизим ходимларининг хорижий хизмат сафарларида, расмий делегациялар таркибида хорижий хизмат сафарида бўлганида хизмат сафарининг мақсадлари ва вазифалари амалга оширилишига, умуман давлат манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши, борган мамлакати қонунчилиги ва умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларга риоя қилишлари бўйича тушунтиришлар бериб бориш.	доимий, хорижий хизмат сафарларига юборишдан аввал	Л.Исоқжонов, Б.Ғайибназаров, ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари
8.	Давлат статистика ходимларини касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини ҳамда	2017-2018 йй. июнь, декабрь	Б.Мирусманов, Р.Сотиволдиев,

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриб бориш, кўмитанинг ахборот хавфсизлиги бўйича ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш, статистик маълумотларнинг ошкор этилиши ва тақдим этилиши тартибига амал қилиш бўйича ходимлар ўртасида тушунтиришлар ўтказиш.		З.Талипова, М.Норматов, Кўмита бошқармалари бошлиқлари, қуйи тизим органлари раҳбарлари
9.	Давлат статистика органларининг барча мансабдор шахслари ўзларига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлишини, тизим органларида маънавий-психологик муҳитни шакллантириш юзасидан тегишли чоралар ва тадбирларнинг кўриб борилишини таъминлаш.	доимий	Б.Мирусманов, А.Икрамов, тизим органлари раҳбарлари
10.	Кадрларни ишга қабул қилишда қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига, шунингдек гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларига йўл қўймасликни таъминлаш.	доимий	Б.Мирусманов, А.Икрамов, З.Талипова, тизим органлари раҳбарлари
11.	Тизим ходимларини меҳнат интизоми талабларига қатъий амал қилишлари борасида доимий назорат ўрнатиш, ҳар ярим йилда меҳнат интизоми талаблари ва унга тизим ходимларини қатъий риоя қилишлари юзасидан муҳокамасини ташкил этиш ҳамда меҳнат интизоми талабларини сабабсиз бузган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо ёки бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари содир этилганда, ушбу масалаларни Одоб-ахлоқ комиссияларида кўриб чиқилишини ташкил этиш.	2017-2018 йй. июнь, декабрь зарур ҳолларда	Б.Мирусманов, З.Талипова, Н.Анваров, Б.Ғайибназаров, худудий статистика бошқармалари бошлиқлари
12.	Мазкур чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси ҳолатини тизим органларида ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этиб бориш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар бериш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш.	2017-2018 йй. ҳар чоракда	Б.Мирусманов, Ш.Джанимов, Б.Ғайибназаров, худудий статистика бошқармалари бошлиқлари